



# XXI ASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган, e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2012 йил 28 декабрь, жума, 52 (476)-сон



ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ

5 ҚҮЙИ БЎҒИНЛАРДА



O'ZLIDEP ИҚТИДОРЛИ КАДРЛАРГА ТАЯНАЯПТИ

6 СИЁСИЙ ТАЪЛИМ



FUND FORUMNING ЭНГ ЯХШИ ИННОВАЦИОН ЛОЙИХАЛАРИ

8 ЖАРАЁН

«Аёллар қаноти»



САРҲИСОБ ВА НАТИЖА

«Мустақкам оила йили» чиндан ҳам янги Ўзбекистон тарихи зарварларига улкан натижалар ва эзгу ишлар йили сифатида муҳрланмоқда.

Партия аъзоси бўлган тадбиркор аёллар саъй-ҳаракати натижасида эса жойларда 6,5 мингдан зиёд иш ўрни яратилган бўлса, партиядошларимиз сони 2743 нафарга кўпайди. Айни шу даврда хонадонларимиз таянчи бўлган аёлларнинг тадбиркорлик ташаббусларини кўллаб-қувватлаш, уларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

4 >>>

«Ёшлар қаноти»



КАТТАЛАР ЎРНИ ЗАБТ ЭТИЛАЯПТИ

«Мустақкам оила йили» O'zLiDePнинг «Ёшлар қаноти» учун «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба», «Парламентда mening ўрним», «Агар мен депутат бўлсам», «Хавфсиз интернет», «Сенинг тенгдошинг», «Ёш олимлар ва тадиқикотчилар танлови» каби партиявий лойиҳалар билан ҳам самарали кечгани таъкидланаяпти.

4 >>>

## «Мустақкам оила йили»да «Обод турмуш йили» учун замин яратилди

ЯКУНЛАНАЁТГАН 2012 ЙИЛ «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ»ДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР ВА ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИГА ҚАРАТИЛГАНИНИ ТАҲЛИЛЧИЛАР АЛОҲИДА ЭЪТИРОФ ЭТМОҚДАЛАР

Ҳақиқатан ҳам ушбу муҳим ҳужжат мустақилликнинг илк кунларида бошланган демократик янгиланиш ва модернизация жараёнларининг манъатқий давоми сифатида ҳаётимизга кенг жорий этилаётир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2012 йилдаги фаолияти таҳлиллари ҳам айнан ана шу Концепция талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилганини кўрсатмоқда.

Таҳлилчиларнинг фикрича, Концепцияда кўзда тутилган 50 дан ортиқ қонун ва ҳуқуқий-метёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш дастури бўйича

бугунги кунгача парламент томонидан 12 та қонун қабул қилинди, 30 дан ортиқ қонун лойиҳалари кенг жамоатчилик, жумладан, хорижий экспертларни жалб этан ҳолда кўриб чиқилмоқда.

Концепцияда қайд этилган қонун лойиҳаларининг аксарияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатларига қаратилгани учун ҳам O'zLiDeP фракцияси аъзолари уларни тайёрлаш жараёнига ҳудудлардаги партия ташкилотларини ҳам жалб этидилар. Бундай амалиёт, энг аввало, қонунларни тайёрлашда ҳаққонийлик ва шаффоқлик тамойилига қатъий амал қилиш им-

кониятини кенгайтирди. Чунки муҳокамаларда энг чекка ҳудудлардаги фуқаролар ҳам ўз тақлифларини бериш имконига эга бўлидилар. Бу эса ҳар қандай қонунни бугунги кун талаблари асосида такомиллаштириш ва ҳаётийлигини таъминлашга асос бўлмоқда. Хусусан, шу кунгача ўтказилган ана шундай тадбирларда қонун лойиҳаларини такомиллаштириш юзасидан 2500 дан ортиқ таклифлар берилган айтилаёпти. Уларнинг асосли, деб топилганлари қонун лойиҳаларида ўз аксини топмоқда.

2 >>>

## Бурилиш нуқтаси

АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНДЕК, O'ZLIDEP ФРАКЦИЯСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА «2011-2015 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ ЎТКАЗИЛДИ

Хўш, яқунланаётган йилда ана шу муҳим ҳужжат қандай лойиҳаларни амалга ошириш имконини берди? Унда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан парламентда қандай ишлар олиб борилмоқда? Мухбиримиз ана шундай саволлар билан O'zLiDeP фракцияси аъзоларига мурожаат қилди

Собир ЖАББОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси:



— Фракция ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбир мамлакат индустриясини янги босқичга кўтариш, хусусан, саноат соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган ишларни яна бир бор таҳлил этишга қаратилганини таъкидлаш жоиз.

Зеро, O'zLiDeP санаотда кичик бизнес улусининг ортиши бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдирish баробарида юртимизнинг янада раванқ топишига хизмат қилади, деб ҳисоблайди. Шу бонс фракциямиз аъзолари соҳада кузатилаётган ўзгаришларни чуқур таҳлил этиш асносида дастурнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

2 >>>

## O'ZLIDEP СИЁСИЙ КЕНГАШИДА



Собир ЖАББОРОВ

## Масъулият палласи

O'ZLIDEP СИЁСИЙ КЕНГАШИНИНГ V МАЖЛИСИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ «ИНСОН МАНФААТИ, ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ҲАЁТИМИЗНИНГ ЯНАДА ЭРКИН ВА ОБОД БЎЛИШИГА ЭРИШИШ — БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗДИР» НОМЛИ МАЪРУЗАСИДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР АСОСИДА ПАРТИЯНИНГ «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ»ДАГИ ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

2012 йил натижаларини сарҳисоб қилишдан бошланган тадбирда асосий эътибор «Мустақкам оила йили»да амалга оширилган ишларни «Обод турмуш йили»да ҳам изчил давом эттириш масалаларига қаратилди.

Мажлиса O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Тешабоев таъкидлаганидек, 2012 йил ҳақиқатан ҳам ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий ҳаётимизда том маънодаги улкан ўзгаришлар, муҳим воқеалар даври сифатида

тарихимиздан муносиб ўрин олмоқда.

Албатта, бундай ютуқлар, энг аввало, Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, уларнинг бугунги кундаги амалий натижалари билан боғлиқдир.

Жорий йил O'zLiDeP учун ҳам муҳим давр бўлганини алоҳида таъкидлаш мумкин. Зеро, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» талабларидан келиб чиқиб, партия «Мустақкам оила

йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича 2012 йилга мўлжалланган Ҳаракат дастури асосида фаолият олиб борди.

Бунда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, фуқаролик жамияти институтларининг ролин янада ошириш билан бирга бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодий либераллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

3 >>>

### ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ФЕРМЕРЛАР!

2013 йилда ўз маҳсулотингиз ва хизмат турларингиз ҳақидаги реклама ва эълонингизни 100 МИНГ МИЖОЗГА бепул етказиб беришни истайсизми?

УНДА «XXI ASR»НИНГ «ТАДБИРКОР ВА ФЕРМЕРЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ» АКЦИЯСИДА ҚАТНАШИНГ!



Нурали РАИМОВ, O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари:

— Бугунги мажлисда ҳудудларда партия гояларини янада кенроқ ёйиш учун бошланғич ташкилотлар ҳамда партия депутатлик гуруҳларининг роли ва масъулиятини кучайтириш борасида

танқидий-таҳлилий фикрлар бежиз тилга олинмади, албатта. Чунки айрим ҳудудларимизда БПТлар фаолияти ҳамон талаб даражасида эмас. Ваҳоланки, баъзи қуйи бўғинлар электротнинг энг яқин ёрдамчиси ва ўзига хос ишончли вақили, маслакдошларимиз сиёсий фаолиятининг тарғиботчиси сифатида майдонга чиқа олмаётганлар. Бу партиянинг умумий мақсадларини амалга ошириш имконини чегаралаяпти. Шу бонс O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши бугунги мажлисда билдирилган тавсиялар асосида бошланғич ташкилотлар ишини яхшилаш, бунинг учун жойлардаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни баҳолаб, улар фаолиятини ташкил этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Гарчи 2012 йилда вилоятдаги БПТлар томонидан электротни ўйлантираётган, тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммолар юзасидан юқори партия ташкилоти ва депутатлик гуруҳларига 10 дан зиёд таклифлар берилиб, улар ижобий ҳал қилинган бўлса-да, аммо бугунги мажлисдан кейин БПТ фаолиятини янада жонлантириш лозимлигини англаб етдик.

## БУГУНГИ СОНДА

2012 йилда Концепцияда илгари сурилган гоялар ва қонун лойиҳаларининг ҳаётимизга чуқур татбиқ этилиши иқтисодий либераллаштириш, ижтимоий ҳаётимизни барқарорлаштиришда муҳим аҳамият касб этди.



# ИСЛОХОТ

## «Мустақкам оила йили»да «Обод турмуш йили» учун замин яратилди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

**Миродил АБДУРАҲМОНОВ,**  
«XXI ASR»

Маълумки, Концепцияда «Товарлар бозорига монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонун замон талабларига жавоб бермай қолгани ва «Рақобат тўғрисида»ги янги қонунни ишлаб чиқиш зарурати таъкидланган эди. Шу асосда ишлаб чиқилган «Рақобат тўғрисида»ги қонун 2012 йилнинг январь ойида кучга кирди.

«Мустақкам оила йили»да қабул қилинган «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда эса мулк эгасининг устувор аҳамиятга эга экани ҳақидаги ҳал қилувчи принцип мустақкамлаб қўйилди. Бу эса O'zLiDeP электорати бўлган кичик бизнес субъектларининг эркин фаолият юритишларини таъминловчи муҳим меъёр бўлиб, бундан буён қонунчиликда мулк эгаси билан давлат органлари муносабатларида пайдо бўладиган барча зиддият ва тушунмовчиликлар мулкдор фойдаласига ҳал этиладиган бўлди.

2012 йилда фракция аъзолари хусусий банклар ва молия институтларининг фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солиш ва уларнинг фаолияти кафолатларини таъминлашга қаратилган «Хусусий банклар ва молия институтлари ҳамда уларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги қонунга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

O'zLiDeP фракцияси аъзоси Қобилжон Тошматовнинг таъкидлашича, ушбу қонун молия тизимини янада ривожлантириш, хусусий банклар, лизинг ҳамда сурғуфта компаниялари, микрокредит ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш орқали хусусий капитал иштирокини оширишни таъминлашга жуда катта аҳамият касб этади. Бундай чора-тадбирлар банк-молия хизматлари бозорига рақобатни кучайтириш, халқаро стандартларга мос замонавий инфратузилмани шакллантиришга ҳам қўлай шароит яратди.

Энг асосийси эса ана шу йилда иқтисодий тизимнинг муҳим бўғинига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қўлай ишбилармонлик муҳити яратиш, ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларга барҳам бериш, давлат бошқаруви органлари томонидан амалга ошириладиган турли рўхсат бериш меъёрлари ҳамда чеклаш тартибларини кескин қисқартиришга хизмат қилувчи ўнлаб ҳужжатлар қабул қилинди.

Концепция асосида қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рўхсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонун ҳам, шубҳасиз, O'zLiDeP электорати вакиллари учун ниҳоятда муҳим қонунлардан бири бўлди. Мазкур қонун билан тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган рўхсат бериш тартиб-қоидаларининг қатъий чекланган рўйхати ва турларини аниқ белгилаш, қонунда назарда тутилмаган ортиқча рўхсатнома ва рўхсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турлари киритилишини кескин таъкидлаш зарурлиги қатъий белгилаб қўйилганини тадбиркорлар алоҳида таъкидламоқдалар.

Мазкур қонун ана шундай муносабатларни тартибга солиш баробарида тадбиркорлар томонидан бажариладиган ҳаракатлар ёки муайян фаолиятнинг шундай турларини қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйиш тартибини жорий этиш, яъни тадбиркорлик фаолияти субъек-

тлари ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиги, жамоат хавфсизлигига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказилишининг ҳам олдини олишга хизмат қилади.

Қонуннинг муҳим жиҳатларига эътибор қаратсак, унда рўхсат бериш хусусиятидаги ҳужжат, рўхсат беришга доир

бериш ёки уни белгиланган муддатда рад ҳам этмас, тадбиркор қонунда назарда тутилган муддатда ўз фаолиятини ваколатли органини хабардор қилган ҳолда амалга ошириши мумкинлиги белгилаб қўйилмоқда.

Шу ўринда рўхсат бериш хусусиятидаги ҳужжатларни кескин қисқартиришга Президентининг «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турлари ва рўхсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб 80 турдаги рўхсат бериш тартиб-таомиллари, 15 турдаги

лицензияланадиган фаолият турлари бекор қилинди. Агар мазкур фармон қабул қилинганда қалар лицензияланадиган фаолият турлари 75 тани ташкил этган бўлса, фармон қабул қилингандан сўнг улар сони 60 тани ташкил қилди.

Хулоса ўрнида шунга айтиш мумкинки, янги қонуннинг қабул қилиниши оқибатида рўхсат бериш тартиб-таомиллари ягона қонунда унификация қилиниши тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш баробарида улар ўртасида ўзаро рақобатнинг кучайишига ҳам олиб келади. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушининг ошишига, аҳоли бандлиги ва даромадларининг кўпайишига олиб келади, албатта.

Бир сўз билан айтганда, Концепцияда илгари сурилган ғоялар ва назарда тутилган қонун лойиҳаларининг ҳаётимизда чуқур таъбиқ этилиши иқтисодий либераллаштириш, ижтимоий ҳаётимизни барқарорлаштиришда муҳим аҳамият касб этди.

Мазкур қарорни бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва рўхсат бериш тартиб-таомилларини амалга оширишда давлат бошқаруви функцияларини қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилиниб, унда 15 турдаги рўхсат бериш хусусиятидаги ҳужжатлар тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси

## 2012 йилда

Концепцияда илгари сурилган ғоялар ва назарда тутилган қонун лойиҳаларининг ҳаётимизга чуқур таъбиқ этилиши иқтисодий либераллаштириш, ижтимоий ҳаётимизни барқарорлаштиришда муҳим аҳамият касб этди.

талаблар ва шартлар, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рўхсат бериш тартиб-таомиллари каби тушунчаларга аниқ ва равшан таъриф берилганини кўриш мумкин. Бундан ташқари, қонунда бундай ҳужжатларни бериш тўғрисидаги аризонани ваколатли орган томонидан кўриб чиқиш муддати ҳам аниқ белгилаб қўйилди. Шу ўринда янги қонун билан маълум ҳаракатлар ёки муайян фаолиятни амалга оширишнинг хабардор қилиш тартиби белгилаб қўйилганлиги таъкидлаш жоиз. Яъни қонун ҳужжатларида белгиланган рўхсат бериш ҳужжатларини олиш учун тадбиркорнинг уни ваколатли органига белгиланган тартибда тақдим этиши ва ваколатли органининг бу ҳужжатларни қабул қилиб олган санаси рўхсат бериш ҳужжатига тенглаштирилиши тўғрисидаги қонунда билан мустақкамланди. Энг муҳими, қонунда рўхсат бериш хусусиятидаги ҳужжатларни бериш қонунда кўрсатилмаган асосларга кўра ва шу жумладан, мақсадга мувофиқ эмас, деган ваз билан рад этилишига йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилди.

Ана шундай жиҳатлари билан ҳам мазкур қонуннинг қабул қилиниши 2012 йилнинг муҳим воқеаси сифатида тилга олинмоқда.

Қонуннинг яна бир жиҳати борки, агар ваколатли орган тадбиркорлик субъектларининг рўхсат этиш хусусиятидаги ҳужжатини

### Қарор ва ижро

## СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК — БОШ МЕЗОН

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА ХАЛҚИМИЗНИ СИФАТЛИ ДОРИ-ДАРМОН БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ

**Б. ХИДИРОВА,**  
ЎЗА муҳбири

«Дори-дармон» акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари, компания тизимидаги корхоналар мутахассислари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати тобора оширилмоқда. Бу жараёнда «Дори-дармон» акциядорлик компанияси ҳам фаол иштирок этаётди.

Халқимизни сифатли дори-дармон билан таъминлаш фаолиятимизнинг бош мезонидир, — дейди мазкур компания раисининг ўринбосари М.Файзиев. — Компаниямиз таркибидagi саккизта акциядорлик жамияти ва ўн та шубҳа корхона мутахассислари ана шу мақсад йўлида фаол иш олиб бормоқда.

Дори-дармон етказиб бериш ва сақлаш шароитини янада яхшилаш мақсадида жойларда замонавий дорихоналар, омборхоналар, логистика марказлари барпо этилмоқда. Улар совуқтичи ва музлаткичлар билан таъминланган. Замонавий таҳлил воситалари билан жиҳозланган назорат-таҳлил лабораторияларида дорилар сифати мунтазам назорат қилиб борилади.

Тизимда фаолият юритаётган дорихоналарнинг етмиш

фоиздан кўпроги қишлоқларда жойлашган. Бу қарорни янада кенгайтириш мақсадида изотермик автофургонларда 14 кўчма дорихона ташкил этилди. Жорий йилда маҳаллий ҳокимликлар билан келишилган ҳаракат жадвали асосида қишлоқлар аҳолисига бир миллиард тўрт юз миллион сўмликдан зиёд дори воситалари ва тиббий буюмлар етказиб берилди.

Компания мамлакатимиз фармацевтика корхоналари ва юздан ортиқ етакчи хорижий фирмалар билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Натيجанда хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтиб, сифат ва самарадорлик ошмоқда.

Матбуот анжуманида аҳолини сифатли дори-дармон билан таъминлаш борасидаги ишлар ва галдаги вазифалар хусусида батафсил маълумот берилди.

## Бурилиш нуқтаси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Парламент эшитувида қайд этилишича, жорий йилда умумий қиймати 2,99 миллиард долларлик 55 та лойиҳа амалга оширилган. Натижанда суюлтирилган газ ишлаб чиқаришни 50 минг тоннага кўпайтириш, 5 минг тонна нефтешлам қайта ишлаш, транспорт-газ қувурларининг ўтказиш қувватини эса йилга 30 миллиард метр кубга ошириш имконияти яратилган. Биргина «Ўзбекнефтегаз» компанияси тизимида шу кунгача умумий қиймати 1,24 млрд. долларлик 14 та лойиҳа амалга оширилган. Хусусан, Муборак газни қайта ишлаш заводига йилга 258 минг тонна суюлтирилган газ, 125 минг тонна газ конденсати,

«Шўртаннефтегаз» корхонасида 50 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқариш учун пропан-бутан аралашмаси қурилмаси, автотранспортлар учун йилга 120 минг донга газ баллон ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилди. Натижанда тармоқда 639 та янги иш ўрни яратилди.

Маълумки, O'zLiDePнинг Сайловолди платформасида хорижий ва маҳаллий инвестицияларни йўл қўйиш тармоқларига кенг жалб этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантириш барқарор даромад манбаи бўлган муҳим иш ўринлари яратишнинг муҳим омил сифатида қайд этилган. Бунинг учун эса «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республи-

каси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Давлат дастури қоидаларини амалга ошириш юзасидан парламент назоратини кучайтириш, ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларидан фойдаланишини таъминлаш, улар олдида турган ҳаётий муаммоларни бартараф этиш масалаларида маҳаллий ҳокимият органлари масъулиятини кучайтириш лозим бўлади. Парламент эшитуви эса соҳа мутасаддилари билан бирга депутатлар эътиборини ана шундай долзарб масалаларга қаратишга хизмат қилди, албатта.




**Фахриддин ЗОЙРОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси.

— Давлат дастурига кўра, саноат соҳасида умумий қиймати қарийб 50 миллиард долларлик 500 дан ортиқ йирик лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу яқин беш йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг камида 60 фоиз, унинг янги қисми маҳсулотдаги улушини 2015 йилга бориб ҳозирги 24 фоиздан 28 фоизга кўпайтириш назарда тутилмоқда, деганидир. Шунга алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу дастур амал-

да дастурига кўра, саноат соҳасида умумий қиймати қарийб 50 миллиард долларлик 500 дан ортиқ йирик лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу яқин беш йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг камида 60 фоиз, унинг янги қисми маҳсулотдаги улушини 2015 йилга бориб ҳозирги 24 фоиздан 28 фоизга кўпайтириш назарда тутилмоқда, деганидир. Шунга алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу дастур амал-

— Маълумки, бундан бир неча ой олдин O'zLiDeP фракцияси ташаббуси билан Асака шаҳрида саноат соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама этилиб, унда йирик саноат корхоналари негизда кооперация асосида кичик бизнес субъектлари фаолиятини йўлга қўйиш ва шу асосда янги иш ўринларини ташкил қилиш масалаларига эътибор қаратилган эди. Чунки кичик бизнес мамлакат тараққиёти узлуksизлигини таъминлаш ва уни янги bosқичга кўтаришда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Йирик саноат корхоналари атрофида кооперация асосида кичик бизнес субъектларини ташкил этиш ва улар фаолиятини йўлга қўйиш эса бу жараёни янада тезлаштиради. Биргина «Ўзавтосаноат» АК тизимида енгил автобилларни маҳаллийлаштириш даражаси айни кунга келиб 55 фоиздан ошди. 1400 турдан ортиқ бутловчи буюмлар, жумладан, қолипчанган, пластик ва резина-техника қис-



**Равшан АСКАРОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси.

млар, экстерьер, интерьер ва шасси тизими деталлари кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилмоқда. «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Давлат дастурига кўрсатилган лойиҳаларнинг 99 таси ёки 45 фоизи эса бутунлай янги корхоналар қурилиши билан боғлиқ экани ҳисобга олинса, соҳадаги кичик бизнес улушини янада орттириш имконияти ниҳоятда юқори экани аён бўлади. Шунинг учун ҳам O'zLiDeP тадбиркорлар манфаатини ifода этаётган сиёсий куч сифатида ушбу дастур ижросининг тўла бажарилишидан манфаатдордир.

Ана шундан келиб чиқиб, парламент эшитувида тайёргарлик қўришда республикамизнинг 14 та ҳудудда назорат-таҳлил

лаштириш мумкин. Саноат соҳасида фаолият юритаётган кичик корхоналарда банд бўлган ишчилар миқдорини қайта кўриб чиқиш ҳам бу борада ижобий натижалар бериши, кичик бизнеснинг саноат соҳасидаги улушини орттиришга хизмат қилиши муқаррар.



Шубҳа йўқки, мазкур дастурга киритилган инвестицион лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, ўз навбатида, ички саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, уларни дастури бажаришга кенг жалб этиш имконини янада кенгайтиради.

дан чора-тадбирлар ишлаб чиқариш зарурлиги таъкидланди. Зеро, ташқи инвестициялар учун унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосларини таърирлаш жараёнида дастурга киритилган баъзи лойиҳалар муддатини кенгайтиришга сабаб бўлаётган айрим вазирлик ва идоралар томонидан йўл қўйилмаётган камчиликларни бартараф этиш юзаси-



**Соҳибжон ИСМОИЛОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси.

дан чора-тадбирлар ишлаб чиқариш зарурлиги таъкидланди. Зеро, ташқи инвестициялар учун унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосларини таърирлаш жараёнида дастурга киритилган баъзи лойиҳалар муддатини кенгайтиришга сабаб бўлаётган айрим вазирлик ва идоралар томонидан йўл қўйилмаётган камчиликларни бартараф этиш юзаси-

дан чора-тадбирлар ишлаб чиқариш зарурлиги таъкидланди. Зеро, ташқи инвестициялар учун унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосларини таърирлаш жараёнида дастурга киритилган баъзи лойиҳалар муддатини кенгайтиришга сабаб бўлаётган айрим вазирлик ва идоралар томонидан йўл қўйилмаётган камчиликларни бартараф этиш юзаси-

К. САЙДАЛИЕВ тайёрлади.

# ЖАРАЁН

## Масъулият палласи



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

### Ўз мухбиримиз

Ушбу йўналишларда партиянинг қатор лойиҳалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Хусусан, қўнуччилик базасини янада такомиллаштиришга хизмат қилган «Тадбиркорлар мулоқот форуми» доирасидаги тадбирлар доамиди О'зЛиДеРнинг аниқ позициясини шакллантириш бўйича амалий таклиф ва ташаббуслар илгари сурилиб, партиянинг парламентдаги фракцияси ва тегишли идораларга тақдим этилди.

Давлат дастури ижросига қаратилган «Мулкдор оила» лойиҳасининг 30 дан зиёд йўналишларида эса деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжалиқларига асосланган оилавий тадбиркорлик субъектлари, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган 2385 нафар талабдор иштирок этди. Шу ўринда 1151 нафар худудий босқич иштирокчиларнинг 783 нафарига умумий қиймати 11 млрд 232 млн. сўмлик зияд кредит олиш учун йўланмалар берилганини таъкидлаш жоиз.

Хисобот даврида хусусий мулк ҳужжи ва ҳимоясини янада мустаҳкамлаш, унинг дахлсизлиги кафолатлари тизимини яратиш, тадбиркор ва ишбилармонлар йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этишга қаратилган «Кичик бизнеснинг катта имкониятлари», «Мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалалари: маҳаллий ва хоҳил тажриба», «Бизнесни ташлаш ва ташкил этишда маҳаллий шарт-шароитларнинг аҳамияти, тадбиркорлик фаолиятига таалуқли қонун ва ҳуқуқий-меъриий ҳужжатлар билан таништириш», «Кичик бизнес ва тадбиркорликни инновация асосида ташкил этишнинг афзалликлари» каби туркум тадбирлар ўтказилгани ҳам мажлисда алоҳида тилга олинди.

Хисоботда қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни янада чуқурлаштириш, айниқса, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, янги мулкий муносабатларни, ўрта синф мулкдорлари манфаатини ҳимоя қилиш масалаларида алоҳида таъкид қаратилгани, «Фермерлик ҳаракати — қишлоқда ҳал қилувчи куч» сингари лойиҳалар доирасида ташкил этилган ана шу тадбирлар натижасида қишлоқ жойларида 60 мингдан зиёд иш

ўрни яратилгани қайд этилди.

Жорий йилда «Аёллар қаноти» ташаббуси билан амалга оширилган «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари», «Соғлом оила — мустаҳкам оила», «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаларида ҳам мингдан ортиқ хотин-қиз иштирок этди.

«Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» танловининг тўртинчи ва бешинчи раундларида тижорат банклари томонидан 231 нафар хотин-қизга 900 млн. сўм миқдорда кредит олиш имконияти яратилди.

2012 йилда ёшлар йўналишида ҳам қатор лойиҳалар амалга оширилганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба», «Парламентда менинг ўрним», «Агар мен депутат бўлсам», «Хавфсиз интернет» каби лойиҳалар ҳамда «Давлат ва жамият ривожини ҳозирги босқичда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш жараёнининг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий-амалий анжуман ва ушбу тадбир доирасида «Еш олимлар ва таъқиқотчилар» танлови ўтказилди.

«Давлат ва жамият ривожланишининг бугунги босқичида мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий-амалий анжуман ҳам икtidорли ёшларнинг ижодий салоҳиятини жамиятни демократик янгилаш ва мамлакатни модернизациялаш, иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш масалаларида қаратилган йирик лойиҳалардан бири бўлди.

Сиёсий Кенгаш мажлисида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини тубдан яхшилаш бугунги сиёсий ва ижтимоий жараёнлардаги энг муҳим вазифалардан экани алоҳида таъкидланди.

Хусусан, қўйи бунлар иштини змон талаблари даражасида йўлга қўймай, партиянинг дастурий мақсадларини амалга ошириб бўлмагани эътироф этилди.

Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси ташаббуси билан 2011 йилнинг август ойида бошланган «Бошланғич ташкилот — партия асоси: имкониятлар таҳлили ва фаолиятини такомиллаштириш» номида махсус акциянинг иккинчи босқичида жойлардаги БПТлар фаолияти, эришилган натижалар ва йўл қўйилган камчиликлар чуқур таҳлил қилинди. Ана шу тадбир давомида

## 2012 йилда

жами **30 дан** ортиқ, Концепциядан келиб чиқадиган вазифалар асосида эса **10 дан** ортиқ янги қонунлар қабул қилинди.

фаолияти сўз бўлган 1071 та бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари ўрнига бугунги кун талабларини чуқур англайдиган, ташаббускор кишилар сайландилар.

Хисобот даврида маҳаллий кенгаш депутатларининг бошланғич партия ташкилотлари билан яқин ҳамкорлигини йўлга қўйишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Айни пайтда маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларнинг 2197 нафарини О'зЛиДеР аъзолари ташкил этмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларидаги 90 та доимий комиссиянинг 36 таси (40 фоиз), туман ва шаҳар кенгашларидаги 1098 та комиссиянинг 390 тасига (35 фоиз) О'зЛиДеРдан сайланган депутатлар етакчилик қилмоқдалар.

— Йил давомида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинганида ҳали мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаётганига ҳам ишонч ҳосил қилдик, — деди мажлисда М.Тешабев. — Айниқса, Сайловолди дастурини амалга ошириш бўйича мониторинг ишларининг бориши, улар юзасидан таҳлилий маълумотлар жамлаш ва мафкуравий кўрсатмалар ишлаб чиқиш борасидаги фаолиятимизни қониқарли, деб бўлмайди.

Шу ўринда электротар вакиллари билан ишлашда О'зЛиДеР дастури ва Сайловолди платформасида белги-ланган устувор вазифаларни амалга ошириш масалаларидаги фаолиятнинг ҳам самараси сезилмапти.

Худудларда электротар вакиллари саноат соҳасига жалб этиш, чекка худудларга инвестициялар киритиш, инновацион технологияларни жорий этишга қаратилган янги партиявий лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Шу ўринда 2012 йил давомида назорат-таҳлил фаолиятини такомиллаштириш» номида махсус акциянинг самарадорлигини ошириш каби муҳим вазифаларга Улуғнор, Бувайда, Бойсун, Дўстлик, Янгиариқ, Оқўрғон ва Нишон туманларидаги депутатлик гуруҳла-

ри умуман эътибор қаратмагани афсусланарли ҳол сифатида тилга олинганини таъкидлаш жоиз.

Аёллар ва ёшлар йўналишида ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда. Хусусан, айрим худудларда фаолият кўрсатаётган бўлимоқда бўлган аёлларни аъзоликка жалб қилиш борасида су-стакшилик қилаётганлар.

Замон шийдат билан ўзгараётганини ҳисобга олиб, партия ушбу йўналишлардаги фаолиятини янада кучайтириши керак, деб ҳисоблайди.

Юртбошимиз таклифи билан 2013 йилда «Обод турмуш йили» дея ном берилган эса ана шу йўналишлардаги ишларни қайта кўриб чиқиш ва змон талабларига мослаштиришни тақозо этади, албатта.

Бунинг учун энг аввало, партия таянчи бўлган бошланғич ташкилотлар фаолиятини тубдан яхшилаш, уларнинг ислохотлар жараёнидаги иштирокчини кенгайтириш учун махсус комплекс чора-тадбирлар юзасидан 2013 йил Ҳаракат дастури ишлаб чиқиш лозим.

Айниқса, фермерларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш борасида О'зЛиДеР етакчилиги қилиши, БПТлардан тортиб Олий Мажлисдаги фракциямизгача ўз зиммасидаги масъулиятни теран англаш талаб этилади.

Бу борада депутатлик гуруҳлари иштини янада жонлантириш, Олий Мажлис қўмиталарида ўтадиган муҳокамаларда фермерлар фаолиятидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш бўйича амалий таклифларни ишлаб чиқишда ҳам О'зЛиДеРнинг етакчилик роли оширилиши керак.

Олий Мажлис Қўнуччилик палатаси Спикери ўринбосари, О'зЛиДеР фракцияси раҳбари Бахтиёр Якубов ҳисоботида эса партиянинг парламентдаги фаолияти ва 2013 йилда бажарилиши лозим бўлган долзарб вазифалар хусусида сўз юритилди.

— 2012 йилда О'зЛиДеР фракцияси ҳамда халқ депутатлари худудий кенгашлари

даги депутатлик гуруҳлари фаолияти «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор йўналишларга, қолаверса, партия Сайловолди дастурида белгилаб берилган вазифаларни тизимли равишда амалга оширишга қаратилди, — деди Б.Якубов. — Ушбу Концепция мамлакатимизнинг кейинги тараққиёт йўлини белгилаб берувчи

янги қонунлар қабул қилинди.

Фракциямиз аъзолари ҳар бир қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида аҳоли кенг қатламларининг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиш, шу асосда партия нуқтаи назарини шакллантиришга ҳаракат қилдилар. Концепция доирасидаги қонун лойиҳалари юзасидан йил давомида мамлакатимизнинг барча минтақаларида 500 дан ортиқ давра суҳбатлари, кон-

сиёси вакиллари билан қизғин баҳс-мунозаралар асосида қабул қилинганини таъкидлаш зарур. Яқин келажакда қуйи палатага киритилиши кутилаётган қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти улар юзасидан партиялараро рақобат янада кучайишидан далолат беради. Бу эса ўз навбатида партиямиз ғояларини ишончли ҳимоя қилиш ва электротар манфаатларини қонун лойиҳаларида кенг акс эттириш учун янада қатъият билан иш-

ги қонун ижросини таъминлаш, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ташки иқтисодий алоқалар ва савдо вазирлиги мутасаддиларининг мамлакатда электротар тижорат ҳамда электротар савдони ривожлантиришга оид ахборотлари тинланди. Бундай эшитишлар қабул қилинган қонунларнинг тегишли вазирлик ва идоралар томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

2012 йилда фракция аъзолари фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган партиявий тадбирларда ҳам фаол иштирок этдилар.

Хусусан, Концепцияда белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, О'зЛиДеР томонидан халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. 2012 йил давомида худудий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари ишда ҳам туб ўзгаришларга эришилганлиги бежиз эмас.

Жумладан, депутатлик назоратининг энг муҳим ва самарали усуллари билан бўлган назорат-таҳлил фаолияти такомиллаштирилмоқда. 2012 йилда маҳаллий кенгаш депутатлари томонидан 67 та назорат-таҳлил фаолияти ўтказилди.

Аmmo ана шундай натижаларга қарамай, Б.Якубов 2012 йилда фракция фаолиятида айрим камчиликларга йўл қўйилгани, «Обод турмуш йили»да ана шундай хатоларнинг такрорланмаслиги, қўнуччиликни изчил такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Маърузалар юзасидан мунозараларда О'зЛиДеРнинг 2012 йилдаги фаолияти жойларда ҳам таъкидлий-таҳлилий жиҳатдан кўриб чиқиш ва қабул қилинадиган «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда ҳамжиҳатлик, ташаббускорликка асосланган фаолият олиб бориш, маҳаллий кенгашлардаги депутатлар учун махсус ўқувлар ташкил этиш лозимлиги таъкидланди.

Хусусан, Олий Мажлис Қўнуччилик палатаси депутати, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси К.Жумамуртова, Сиёсий Кенгаш аъзоси, Наманган туманидаги «Олтин замин» фермер хўжалиги раҳбари А.Турсунов, Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институтининг тарих ва фалсафа кафедраси мудир Ф.Аминов, Олий Мажлис Сенати аъзоси А.Алтиев, О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари К.Назаров, «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири М.Абдурахмонов, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси раиси А.Каримов, О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аппарат раҳбари Ф.Хотамовлар партиявий фаолиятини изчил ривожлантиришда ҳар бир партия аъзоси жавобгарлигини кучайтириш, 2013 йилда ҳам ислохотлар натижаси учун О'зЛиДеР ўз зиммасидаги масъулиятни теран ҳис этиши лозимлигини таъкидлади.

Сиёсий Кенгашнинг V мажлисида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг 2013—2014 йилларга мўлжалланган амалий чора-тадбирлар дастури қабул қилинди.



**Файратжон АБДУЛЛАЕВ, О'зЛиДеР Фарғона вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари:** — Бугунги мажлисда муҳокама этилган масалалар, билдирилган таклиф ва вазифалар ижросини таъминлаш бўйича вилоят кенгаши йиғилишини ўтказиш, сафоларимиз билан биргаликда камчиликларни бартараф этиш юзасидан келгуси ишлар режасини ишлаб чиқишни мақсад қилдик.

Шу ўринда тадбир давомида О'зЛиДеР Фарғона вилоят кенгаши ташаббуси билан ишлаб чиқилган касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини қўллаб-қувватлаш дастурининг аҳамияти ҳақида сўз юритилганини айтиш жоиз. Бу, ўз навбатида, 2013 йилда зиммамизга янада катта масъулият юқлаб, ўнги ғояларга даъват этади. Шу боғида бу борада бошланган амалий ишларимизни «Обод турмуш йили»да ҳам давом эттиришни кўзда тутганимиз. Бу эса фарғоналик ёшларни либерал-демократик ғоялар руҳида тарбиялаш ва шу орқали уларда ишбилармонлик қўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.



**Дилшод ШОУМАРОВ, О'зЛиДеР Учтепа туман кенгаши раиси:** — Мажлисда О'зЛиДеР лойиҳаларидан қўзғалган мақсад, эришилган ютуқлар ҳақида том маънода ҳақни фикрлар айтилди. Зеро, биз бунга ана шу йўналиш бўйича Учтепа туманида амалга оширилган ишлар мисолида ҳам кўрдик. Хусусан, 2012 йилда «Мулкдор оила» лойиҳасида иштирок этган 1152 нафар тадбиркорга қарийб 11,7 млрд. сўм кредит ажратиш таклифи киритилди. Эътиборини, шу кунгача қилинган таъминлаш ишбилармонлик ғоялари билан тадбиркорларнинг кўриб келишини таъминлайди, албатта. Шу ўринда тадбиркорларга уларнинг фаолияти учун қўлай шарт-шароит яратиш бўйича ўзига хос ишларга қўл ўрилаётганини айтмоқчиман.


Хусусан, кенгаш томонидан тайёрланган «Қуриш материалларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш концепцияси»та мувофиқ соҳада фаолият юритаётган корхоналар учун 2 та кўргазма ташкил этилди. Унда 300 дан ортиқ тадбиркорга ўз йўналишлари бўйича масалалар берилди. Аксарият тадбиркорлар янги мижозлар билан шартномалар тузишни ҳам муваффақ бўлдилар. Ана шунларни инобатга олиб, 2013 йилда ҳам мажкур кўргазмага ҳар чоракда ўтказишни режалаштираймиз. Бугунги мажлис қарорлари ана шундай ишларимизни янада такомиллаштиришга асос бўлади, албатта.



**Оқибатхон ЖАККАРОВА, О'зЛиДеР Балиқчи туман кенгаши раиси:** — Сиёсий Кенгашнинг V мажлиси партиямизнинг 2012 йилдаги фаолиятига баҳо бериш ва келгуси йил вазифаларини белгилаш имконини берди.

Йиғилишда баён этилган мулоҳазалар зиммамизда янада масъулиятни вазифалар бисёр эканини кўрсатиб турибди. Хусусан, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш, ёшларнинг тадбиркорликка қизиқишларини кучайтириш, уларга ўз бизнесини ташкил этиш учун қўлай муҳит яратиш келгуси йилда ҳам долзарб вазифаларимиздан бўлиб қолади. Зеро, партия дастурида белгилаб берилган, замонавий фикрлар олаётган, жамиятда муносиб ўрин эгаллашга қодир фуқароларни тайёрлаш, уларда тадбиркорлик маданиятини шакллантириш устувор вазифаларимиздандир.

Айни пайтда замоннинг ўзи мақсадларимизга эришишни энг самарали йўлларини излаш ва уларни амалга оширишни талаб этаётган экан, ҳар биримиз шу кўрт фарзанди сифатида унинг равнақи учун бирдек масъул эканлигимизни унутмаслигимиз даркор.



**Илҳом БОТИРОВ, О'зЛиДеР Самарқанд вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари:** — Айни пайтда илҳомий партия кенгаши тизимида 766 та БПТ фаолият олиб борапти. Бугунги мажлисда бошланғич ташкилотлар фаолияти юзасидан билдирилган таъкидлий баҳолардан биз ҳам тегишли ҳулосалар чиқардик. Айниқса, О'зЛиДеРнинг фермерлар орасида масаласидаги сиёсий фаолиятини ошириш, уларнинг жамиятдаги

мавқеи ҳамда ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш борасидаги ишларни кучайтириш лозимлигини англаб етдик. Бу жараёнда депутатлик гуруҳлари билан БПТлар алоқасини мустаҳкамлаш, қуйдан ташаббус билан чиқиб тамойилга қатъий амал қилган ҳолда иш ташкил этишга ижобий самара бериши мумкин. Шу боис 2012 йилда БПТ фаолиятини устувор таъкидланган барча тадбирларда масаласидаги сиёсий фаолиятини кучайтириш ва қадрлар сифатини яхшилашга эътибор кучайтирилади.

Жойларда, айниқса, чекка худудларда партия ғоя ва мақсадларини, қўнуччиликнинг янги йиғилишларини тарғиб ва ташвиқ этишга қаратилган ишлар кучайтирилди. Бу эса жойлардаги ҳаётий муаммоларни аниқлаш ва улар хусусида юқори партия ташкилотларига ахборот-етказиш имконини кенгайтиради.

**Ш.РАҲИМОВ, Ш.ХўЖАЕВ, А.МУЗАФФАРОВ, А.САЙИДАСҚАРОВ тайёрлади.**

ўзига хос стратегик ҳужжат экани, унда илгари сурилган ғояларни ўз вақтида ва мукамал рўёбга чиқариш биз учун энг муҳим вазифа қилиб белгилаб берилган алоҳида таъкидлаш лозим.

Концепцияни ҳаётга таъбиқ этиш юзасидан О'зЛиДеР фракцияси 2012 ва кейинги йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури асосида депутатларимизнинг қонун ижодкорлигини, парламент назорати, шахсининг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, халқро ҳуқуқ нормаларини ўрганган ҳолда амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини юритиш йўналишларида иш олиб бордилар.

2012 йил давомида жами 30 дан ортиқ, Концепциядан келиб чиқадиган вазифалар асосида эса 10 дан ортиқ ференциялар ўтказилди. Уларда 7 мингдан ортиқ тадбиркорлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Билдирилган фикрлар қўнумлаштирилиб, улардан қонун лойиҳаларини маромига етказишда кенг фойдаланилди.

Бу борада партия фракцияси қоида фаолият юритаётган Экспертлар кенгашининг ҳиссасини алоҳида таъкидлаш лозим.

Қонун ижодкорлигининг ўзига хос яна бир муҳим жиҳати унинг фракциялараро рақобат жараёнига асосланганлигидир. Айниқса, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Хусусий банклар ва молия институтлари ҳамда уларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳалари партиямизга ғоявий мухолиф бўлган ХДП фрак-

лашни тақозо этади.

Ўтган йил давомида фракциямиз алоҳида эътибор қаратган муҳим масалалардан яна бири бу — қўнуччилик ижроси юзасидан парламент назоратининг изчил йўлга қўйилганлигидир. Палата ялли йиғилишларида, партиямиз аъзолари етакчилик қилаётган кўмиталар йиғилишларида 12 та масала парламент эшитиш тарзида ўрганилди ва шу асосда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Хусусан, Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитасида Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири З.Рузиевнинг соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан «Устандарт» агентлиги раҳбарининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»





**ШҲҮРЧИ ТУМАНИДАГИ**  
«Шароф» фермер хўжалигида ўтказилган тадбирда БПТ фаоллари аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, бу борада фермерлик ҳаракати имкониятларидан кенгрок фойдаланишга оид таклифларни ўртага ташлашди.



**«МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА ЁШЛАРНИ ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ ЭТИШ»**  
— Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» номли асарига асосида О'zLiDeP Хива тумани кенгашида ўтказилган очиқ мулоқотда ана шу мавзу кўриб чиқилди.



**ЧИРОҚЧИ ТУМАНИДАГИ**  
«Каттабой ота» фермер хўжалигидаги БПТда партия фольянтини йўлга қўйиш ва уни янада жонлантириш мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

52 (476) -сон

e-mail: axborotXXI@yahoо.com, web sayt: www.21asr.uz

2012 йил

28

декабрь, жума

## Қарс икки қўлдан чиқади

О'ZLIDEP ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КЕНГАШИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ГУРУҲИ РАҲБАРИ САЛАМАТ КУДАЙБЕРГЕНОВНИНГ ТАЪКИДЛАШИЧА, АЙНИ ПАЙТДА ХУДУДДА 580 ТА БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ БЎЛИБ, УЛАР ЎЗ АТРОФИГА 10 МИНГ 356 НАФАР АЪЗОНИ БИРЛАШТИРГАН ҲОЛДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА


**Абулфайз САЙДАСКАРОВ,**  
«XXI ASR»

— Яқинда Нукус шаҳридаги «Oksdorubele» МЧЖ, Қўнғирот туманидаги «Қўнғирот сода заводи», шунингдек, Амударё туманидаги «Хунармандчилик уюшмаси»да ҳам бошланғич ташкилотлар иш бошлади, — дейди С. Кудайбергенов. — Устав ва Дастуримизда белгиланганидек, қўйи ташкилотлар либерал-демократик ғоялар ҳамда партиянинг мақсад-вазифаларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ва тушунтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Айниқса, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида «Фуқаролик жамияти ривожланишида О'zLiDePнинг устувор вазифалари», «Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кўчатириш чора-тадбирлари» ҳамда «Худудда тadbirkорлик соҳасини ривожлантиришдаги муаммолар, бюрократик тўсиқ ва камчиликлар: уларни бартараф этиш йўллари ва чоралари» мавзусида қатор тадбирлар уюштирилди.

Масалан, Кегейли туманидаги «Казанкеткен» шаҳарча фуқаролар йиғини қошидаги БПТда юзма-юз мулоқот ўтказилиб, унда кредит олиш тартиб-қондалари, банк ва мижоз ўртасида юзага келатган айрим муаммоларни бартараф этишда партия, айниқса, маҳаллий кенгаш депутатлари имкониятидан тўлақон фойдаланиш борасидаги таклифлар билдирилди. Партия депутатлик гуруҳи томонидан эса ёш оилаларга имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича худудда олиб борилаётган ишлар юзасидан Халқ банки Кегейли туман филиали раҳбарига депутатлик сўрови юборилди.

Мавлўмки, жорий йилнинг 22 август-10 сентябрь кунлари О'zLiDePнинг «Бошланғич ташкилот — партия асоси: имкониятлар таҳлили ва фаолиятини такомиллаштириш» акцияси доирасида О'zLiDeP бошланғич партия ташкилотларининг худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ҳамда партия дастурий мақсадларини амалга оширишдаги ўрни ва вазифалари» мавзусида махсус ўқув-семинарлари ташкил этилди. О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг худудий бўлими ходимлари, халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгаши депутатлари, тadbirkор ва фермерлар иштирок этган тадбир якунида ҳам тегишли тавсиялар ишлаб чиқилиб, юқори партия ташкилотига тақдим этилди.

Шу ўринда депутатлик гуруҳлари билан бошланғич ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни изчил йўлга қўйиш кун тартибидagi асосий масалалардан эканини таъкидлаш мумкин. Мазкур йўналишдаги ишлар самарасини оширишда Жўқорғи Кенгес ва халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашидаги 154 нафар О'zLiDeP аъзоси жойлардаги БПТларга бириктириб қўйилди. Натижада депутатларнинг электрот билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий



муаммолардан хабардорлик даражасини яхшилаш имконияти кенгайди. Энг муҳими, бу жараёнда депутатлик гуруҳлари томонидан тузилган ишчи гуруҳлари таркибига худуддаги БПТ етакчилари ҳам киритилди.

Мавлўмки, О'zLiDeP Сиёсий Кенгашининг IV мажлисида бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган эди. Зеро, бирон-бир бошланғич ташкилот фаолиятида учрайдиган муаммо охир-оқибат бутун партия фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундан камчиликларни бартараф этиш ва партиянинг



БПТлар фаолияти йўлга қўйилгани, баъзи қўйи бўғинлар иши талабга жавоб бермаслиги маълум бўлди. Масалан, Тахтақўли туманидаги «Атакўл» овул фуқаролар йиғини, Беруний туманидаги «У. Жуманиёзов» фермер хўжалиги, Эллиқалъа туманидаги Муқобил МТП қошидаги БПТларда депутатлик гуруҳи билан алоқалар, тарғибот-ташвиқот ишлари, партиявий-сиёсий тадбирлар бутунгун кун талаби даражасида эмаслиги аниқланди. Мавжуд ҳолатни яхшилаш мақсадида мазкур БПТлар намунали фаолият кўрсатаётган ташкилотларга бириктирилди.

Бундай камчиликларни бартараф этиш ва партиянинг

О'zLiDeP Сиёсий Кенгашининг IV мажлисида бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган эди. Зеро, бирон-бир бошланғич ташкилот фаолиятида учрайдиган муаммо охир-оқибат бутун партия фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

мақсад ва вазифаларини тарғиб этишда О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг «О'zLiDePнинг бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш Концепцияси» муҳим дастуриламал вазифасини ўтаётганини таъкидлаш мумкин.

Ушбу ҳужжатнинг эътиборли жиҳати шундаки, унда БПТлардаги ишчи раҳбарларни қўллаб-қувватлаш, ташаббускор ва инновацион ғояларга эга, партия фаолиятини янада ривожлантиришга ҳисса қўша оладиган фаолларни излаш ва уларни партиявий фаолиятга жалб этиш долзарб вазифалар сифатида белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ҳузуридаги «Сиёсий таълим» маркази ҳам БПТлар раислари учун махсус ўқув-семинарлари ташкил этапти. Ўйлаймизки, Қорақалпоғистонда бу каби амалий сайёҳаракатлар ўз самарасини беради.



## Учтепада қўйи бўғинларга юқори эътибор қаратилмоқда

«МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ» О'ZLIDEP ТАЯНЧИ БЎЛГАН БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР УЧУН ҲАМ МУВАФФАҚИЯТЛИ КЕЧДИ, ДЕЙИШ МУМКИН. ЗЕРО, ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ИСЛОХОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ЭЗГУ ҒОЯ ВА МАҚСАДЛАРНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ, ПАРТИЯ САФЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА УЛАР ТОМОНИДАН ҚАТОР ХАЙРЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ

**Ўз мухбиримиз**

Бундан пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 3-болалар клиник шифонаси қошидаги қўйи бўғин мисолида ҳам кўриш мумкин. Мазкур БПТ айна пайтда 61 нафар партия аъзосини ўз атрофида жипслаштирган бўлиб, унга малакали шифокор Нафиса Жўраева етакчилик қилмоқда.

— БПТлар фаолиятини баҳолашда куннинг долзарб талабларидан келиб чиқиб лозим, — дейди О'zLiDeP туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Дилбар Қўзибоева. — Ташаббускорлик, сиёсий уйғоқлик янгидан-янги ютуқларга йўл очаяпти. Нафиса Жўраевага келсак, у юқоридан буйруқ ёки топшириқ кутиб ўтирадиган фаоллардан эмас.

О'zLiDePнинг ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилиш, ғоявий-сиёсий ишлар таъсирчанлигини ошириш йўлида куч-гайратини аямайди, муҳим тақлиф ва тавсияларни ўртага ташлайди. Масалан, яқинда шифонани янги русумдаги замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш бўйича таклиф берилди. Бир қарашда бунинг партиявий фаолиятга алоқаси йўқдек туюлади. Аммо турмуш маданияти ва фаровонлигини ошириш, аҳолига ҳар жиҳатдан сифатли хизмат кўрсатиш О'zLiDePнинг дастурий мақсадларидан бири сифатида белгилаб олинган. Шу маънода ҳам учтепалик фаоллар партия аъзолари сифатида ислохотлар изориси йўлида ўз имкониятларини тўла сафарбар этишаётир. Шу боис ғоявий-сиёсий ишлар таъсирчанлиги ошмоқда.

Таъкидлаш керакики, 3-болалар шифонаси пойтахтимизнинг 6 та маъмурий худуди — Учтепа, Шайхонтоҳур, Олмазор, Сертели ва Чилонзор туманла-

ри аҳолисига хизмат кўрсатади. Бу ерда диагностик, клиник ҳамда бактериологик лабораториялар, замонавий УТТ, рентген, ЭКГ ва ЭХОЭГ ускуналари ишлаб турибди. Малакали мутахассислар, жумладан, невропатолог, ортопед, гинеколог, отоларинголог, офтальмолог ҳамда кардиоревматолог, жами 468 нафар шифокор элга хизмат кўрсатмоқда. Шу ўринда жорий йилда 25 нафар ходим О'zLiDeP сафига кириш истагини билдирганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Эндиги асосий масала ана шундай маслақдошларни ислохотлар жараёнига кенгрок жалб этиш, шу тариқа О'zLiDePнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий мавқени янада оширишдан иборат.

Юқорида таъкидланганидек, БПТ фаоллари халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутатлик гуруҳи билан ҳам ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга интилишмоқда. Бу борада 2-Абдулла Қодирий округидан шаҳар кенгаши депутатлигига сайланган О'zLiDeP аъзоси Мурат Икромовнинг ҳиссасини алоҳида таъкидлаш мумкин. У сайловчиларнинг ҳеч бир мурожаатини эътиборсиз қолдирмайди. Электрот вакиллари билан учрашувлар доимий тус олган. Хусусан, аҳоли ҳамда кам-хунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлашга жиддий аҳамият бермоқда. Шунинг натижасида жорий йилда 2 нафар олий маълумотли шифокор ва 14 нафар ўрта тиббиёт ходими доимий иш ўрнига эга бўлди.

— Янги йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши зимманига катта масъулият юклаб, ўз фаолиятимизни тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этади, — дейди БПТ етакчиси Н.Жўраева. — 2013 йил учун «Обод турмуш йили» Давлат дастурига таклифлар кириташимиз. Ғоявий маслақдошларимиз бу борада жамоага ўрнак бўлишмоқда. Мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, жойларда хизмат сифати ҳамда маданиятини ошириш, О'zLiDePнинг ғоя ва мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида сидқидилдан хизмат қилиш уларнинг эзгу мақсади-дир.

## БИР ХОНАДОНДА 6 НАФАР О'ZLIDEP АЪЗОСИ

Иштихон туманидаги «Чевар Раҳима» хусусий корхонаси раҳбари Раҳима Ҳақимова асли алоқад муҳадис. Кўп йиллар туманда ўз касби бўйича меҳнат қилиш баробарида 91 ёшни қоралаган онаси — Фотима аядан қуроқчиликни ҳам ўрганди. Мустақиллик шарофати билан тadbirkорликка кенг йўл очилгач, Раҳима она ҳам қизлари ва келинларини ёнига олиб, оилавий тadbirkорликка қўл урди.

Ҳаракатда — барака, деганларидек, «Чевар Раҳима» хусусий корхонаси тез орада нафақат Самарқанд, балки республикада ҳам ном чиқара бошлади. Корхона ташкил этилганга кўп бўлмади, корхона аъзолари О'zLiDeP сафига кириб, бошланғич ташкилот тузилди.

— Асосан сўзана, чимилдик, ёстиқ, кўрпа-кўрпача, зардор ва турли чойшаблар тикаямиз, — дейди Раҳима Ҳақимова. — Айни пайтда Президентимиз фармонлари ва қонулар асосида яратиб берилган шартнолар ҳамда О'zLiDeP кўмаги билан фаолиятимизни тобора ривожлантиряймиз. Ўтган йили шахсий кўргазмани ҳам ташкил этдик. Келинларим Гулбодом, Махфуза, Мафтуна, қизим Феруза ҳамда жияним Нигора Маматовалар корхона ходими ва бошланғич ташкилот аъзолари сифатида ҳам меннинг суявчига айланганлар... Шу кунгача 20 нафар ҳамқишлоғимизни уй меҳнатига жалб этдик. Улар ташаббус билан жорий йилда мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган мингта никоҳ ва мингта суннат тўйларининг тумандаги шодоналарида беш нафар келинчакка оқ либослар ҳадя этдик.

Раҳима Ҳақимованинг айтишича, қуроқ халқимизнинг нафақат хунари, балки қадимий мийлий қадриятларидан бири ҳамдир. Чунки келин-куёвларнинг сеплари бежиз қуроқ матолар билан бойитилмайди. Уларда ёш келин-куёв ўз ҳаёти давомида бир-бирига яқин бўлсин, орасига нифоқ тушмасин, деган мазмун мужассамдир.

Шу ўринда эзгу ниятлари ўзига ҳам ҳамроҳ бўлаётган хунарманд қатор талоқларда қатнашиб, муносиб ўрнлар эгаллаётгани ҳам алоҳида таъкидлаш мумкин. Жумладан, ташаббускор Р.Ҳақимова «Ташаббус-2011» кўрик-танловининг республика босқичида қатнашиб, соврилни ўрин эгаллади. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги» кўкрак нишони билан тақдирланди. Айни пайтда хунарманд «Наврўз» тантаналарида вилоятда шахсий кўргазмани ташкил қилишни режалаштирмоқда.

Мухаббат РАВШАНОВА, «XXI ASR».



Мамлакатимизнинг барча худудларида

2013 ЙИЛ УЧУН «XXI ASR»

ижтимоий-сиёсий газетасига обуна давом этмоқда.

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80





## O'ZSANOATQURILISHBANK

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

барча мижозларини,  
акциядорларини, ҳамкорларини  
ва юртдошларимизни

# Янги Ўйил

**байрами билан табриклайди!**

*Янги йил сизга бахт-иқбол,  
хонадонингизга файз-барака,  
юртимизга хотиржамлик ва фаровонлик  
олиб келишини тилаб қоламиз!*



Вақт давомида синалган ишонч!  
[www.uzpsb.uz](http://www.uzpsb.uz)



Самарқанд вилоятидаги  
«ЖОМБОЙ ЖАВОҲИРИ»  
МЧЖ жамоаси

*барча юртдошларимизни  
кириб келаятган*

*яни ~ 2013 йил билан  
самимий мувофакқуд этади.*

*Янги йилда ҳам омад,  
муваффақият ва Зафарлар ёр бўлсин!*

Олтиариқ туманидаги  
«**НУРЛИ ОБОД**»  
фермер хўжалиги жамоаси

барча юртдошларимизни  
«**ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ**»  
билан қутлайди.



Янги йил  
хонадонингизга  
файзу барака,  
бахт ва омад,  
фаолиятингизга  
янгидан-янги ютуқлар  
олиб келсин!



# ЖАРАЁН

## Энг яхши инновацион лойиҳалар

ЁШЛАР ИЖОД САРОЙИДА «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ, АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲАМКОРЛИГИДА «ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР» ТАНЛОВИ ЯКУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида илм-фан ривожига қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида ёш олим ва тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда ва амалиётга татбиқ этилмоқда.

Жорий йилда илк марта ўтказилган «Инновацион лойиҳалар» танловидан қўзланган асосий мақсад ҳам 30 ёшгача бўлган ёш олим ва тадқиқотчилар,

магистрларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборатдир.

Танловга олий таълим масканлари, илмий марказлар, кўмита ва агентликларда изланиш олиб бораётган 150 нафардан ортиқ ёш олимнинг кишлоқ хўжалиги, ирригация, тупроқшунослик, биотехнологиялар, дастурий таъминот, илгор педагогик технологиялар, ерости ресурслари ва минерал бойликларни қайта ишлашга оид инновацион лойиҳалари тақдим этилди. 11 муаллифлик иши голиб топилди.

— Ушбу танловда уруғсиз анор навини етиштиришга оид лойиҳам билан иштирок этдим, — дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети биология факультети магистранти Алишер Сафаров. — Бундай нав шўрланган ерларда бемалол етиштирилиши, серхосиллиги, эрта пишарлиги билан ажралиб туради. Экспортбон бу мевадан тўқсон фоизгача шарабат олиш мумкин.

Тадбирда «Инновацион лойиҳалар» танлови голибларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.



### ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ ЯРИМ ФИНАЛДА

Бирлашган Араб Амирликларининг Ал-Айн шаҳрида шахматлар жамоалари ўртасида давом этаётган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган Тошкент шаҳри жамоаси чорак финалда афиналик (Греция) шахматчиларни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ярим финалга чиқди.

Баҳсда гротсмейстерларимиз — Марат Жумаев, Иоаннис Папаиоанноунис, Сайдали Йўлдошев, Андреас Цермиаданосни мот қилган бўлса, Алексей Барсов, Стеллиос Халкиас ва халқаро тоифадаги спорт устаси Андрей Квон Христос Баникас билан дуранг натижа қайд этди. Ярим финал баҳсида шахматчиларимиз Хогевен (Голландия) шаҳри жамоасига қарши дونا сурди. (ЎЗА)

### «КАМАЛАК»ДА ЯНГИ ЙИЛ

Самарқанд шаҳрида Асрор Жўраев номидаги вилоят кўғирчоқ театри жамоаси томонидан «Камалак»да Янги йил» театрлаштирилган байрам дастури намойиш этилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилган мазкур томошага шахардаги махсус мактаб-интернатлар, тарбияси оғир болалар реабилитация ва касбга йўналтириш муассасаси тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандлари таклиф қилинди. Байрам томошаси бошланиши олдида уюштирилган тадбирда юртимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг замонавий таълим-тарбия олиши учун давлатимиз томонидан яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар ҳақида сўз юритилиб, ҳар бир боланинг ҳаёти, келажаги доимий эътиборда экани таъкидланди. Театрлаштирилган саҳна кўринишларида ҳам юртимизда ёшларга кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик самараси ўз ифодасини топган. «Камолот» фаоллари ва етакчилари томонидан тайёрланган интеллектуал ўйинлар, савол-жавобларда барча иштирокчилар фаол қатнашиб, ўз билим ва иқтидорини намойиш этди.

— Байрам олдида ўтказилаётган «Камолот»да Янги йил» ҳамда «Камалак»да Янги йил» акциялари орқали шахримиздаги барча ёшларни байрам билан қутламоқчимиз, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Рустам Қобилов. — Тадбирларда ногирон болалар, профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаганлар, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар фарзандларига байрам совғалари топширилмоқда. Бундай тадбирлар ёшлар қалбида меҳр-оқибат туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳ.ҲАСАНОВ, ЎЗА мухбири

Газетанинг навбатдаги 01(477)-сони 2013 йил 10 январь куни чоп этилади.

## Самарқанд вилоятидаги «ТОҲИР БОБО Н.Т.И.» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

барча ватандошларимизни кириб келаётган янги 2013 йил — «Обод турмуш йили» билан қизгин қутлайди.

Сизларга соғлиқ-омонлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик ва қут-барака тилаймиз.



### ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

## «ARSH SAVDO — ELIT» МҶМ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Аукцион савдосига Андижон вилояти Хонобод шаҳридаги 78328-сонли ҳарбий қисмининг 21.12.2012 йилдаги 555-сонли алоқа хатига асосан, ҳарбий қисм балансидаги қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

— 2000 йилда ишлаб чиқарилган «BA3-2106» русумли, давлат белгиси 17мх5471 бўлган автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси 6366000 (олти миллион уч юз олти миң олти миң) сўм.

— 1992 йилда ишлаб чиқарилган «УАЗ-31512» русумли давлат белгиси 17мх5470 бўлган автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси 7654000 (етти миллион олти юз эллик тўрт миң) сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 26 январь куни соат 11.00 да, ушбу кунда аукцион савдоси бўлиб ўтмайди, деб эътироф этилган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2013 йил 28,29,30,31 январь кунлари соат 11.00 да Андижон шаҳар, А.Навой шох кўчаси, 30-уй, 215-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15% миқдорига гаров пулини ТИФ «Миллий банк» Андижон шаҳар бўлимининг 20208000904456131001 ҳисоб рақамига (МФО: 00074, ИНН: 205987298) тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш эълон чоп этилган кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) ва аукцион савдоси ўтказилишидан 1 (бир) соат олдин 10.00 га қадар Андижон шаҳар, А.Навой шох кўчаси, 30-уй, 215-хонада қабул қилинади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар жамият Низоми ва таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, белгиланган тартибда берилган ишончнома тақдим қилиши лозим.

Қўшимча маълумот учун манзил: «ARSH SAVDO-ELIT» МҶМ Андижон шаҳар, А.Навой шох кўчаси, 30-уй, 215-хона  
Тел: +99891 606-88-81, +99890 269-88-81, Гувоҳнома № 00126

## ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

# «АСАКА» БАНК ОАЖ ЖАМОАСИ

Сизларни яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

## «ЯНГИ ЙИЛ — 2013»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 13 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Барча омонатларингиз

Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун «Асака» банк ОАЖ филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

ФИЛИАЛЛАР	КОД	ТЕЛЕФОН
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарход филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтинчи филиали	373	432-10-11
Кўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навой вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган

## 2013 ЙИЛ — «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ»



## ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД ОИЛАСИ

Истиклол йиллари Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари тизимида изчил амалга оширилган туб ислохотлар натижасида мамлакатимизда профессионал, ҳар жиҳатдан етук армия шаклланди. Айниқса, кадрлар тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар миллий армиямизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, Ватан химоячилари учун қулай шароитлар яратишга хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Академиясининг 2-босқич тингловчиси майор Тохир Жабборов ҳам рафиқаси Гулнорахон билан ана шундай имкониятлардан фойдаланмоқда. Айни пайтда Т.Жабборовнинг қизлари Нилуфар ва Робия мактабгача таълим муассасасида тарбияланаяпти. — Ҳарбий оиласининг бекаси эканимдан фахрланаман, — дейди Гулнора Жабборова. — Гарчи бу осон бўлмаса-да, юртимиз тинчлиги ва осмонимиз мусаффолиги учун ўзини бахшида этган инсон билан рўзгор тебратаётганимдан фахрланаман. 2012 — «Мустақкам оила йили»да биз, ҳарбийларнинг оиласига яратилган шароитлар учун ҳукуматимизга миннатдорчилик билдираман.

## МАРГИЛОНЛИКЛАРГА ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

Янги — «Обод турмуш йили» арафасида хунармандлар шаҳри — Марғилоннинг Бурхониддин Марғилоний кўчасида замонавий маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси фойдаланишга топширилди. — Узоқ йиллардан буён тадбиркорлик билан шуғулланаман, — дейди тунуксосз уста Муҳаммадхон Омонов. — Элга хизмат қилган барака топаркан. Банк кредити ва шахсий жамғарма ҳисобига Янги йил байрами олдида фаолиятимизни янада кенгайтиришга муваффақ бўлдик. Шаҳарнинг аҳоли гавжум даҳасида тунуксосзлик шохобчасини очдик. Бу билан 6 нафар ҳамшаҳримиз ишли бўлди. Янги мажмуада сартарошхона, гўзаллик салони, тикувчилик цехи, пойабзал таъмирлаш устахонаси каби ўндан ортик хунармандчилик йўналишларида марғилонликларга хизмат кўрсатила бошланди.




## 50 МЛРД. КВТ/СОАТ — КЎП-МИ ЁКИ КАМ?

2013 ЙИЛДА «ЎЗБЕКЭНЕРГО» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ, ЯНГИЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ ҲАМДА УЗАТИШ ТИЗИМИНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА 24 ТА ЙИРИК ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАНИ АМАЛГА ОШИРАДИ

Шухрат ХЎЖАЕВ, «XXI ASR»

Маълумотларга кўра, 1 кВт электр энергия сарфлаш эъзига 75 кг. кўмир ёки 35 кг. нефть қазиб чиқариш, 88 та «буханка» нон пишириш, 10 метр чит матосини тўқиш ёхуд 2,5 сотих ерни ҳайдаш мумкин экан.

— Якунига етаётган йил компаниямиз учун самарали йил бўлди, — дейди «Ўзбекэнерго» ДАК бошқаруви раиси Уринбосари Рузиқул Раимов. — Айни пайтда 50 млрд. киловатт/соатдан зиёд электр энергияси ишлаб чиқараётган «Ўзбекэнерго» ташаббуси билан 2012 йилда ҳам бир қатор муҳим объектлар топширилгани, хусусан, иккита буг-газ қурилмасини бунёд этган ҳолда Талимаржон ИЭС кенгайтирилганини салмоқли натижалар сифатида қайд этиш мумкин. Бундан ташқари,



Утган йилда Навоий ИЭСда қуввати 478 МВт.га тенг бўлган ноёб буг-газ қурилмаси барпо этилди. Тошкент вилоятида эса тажриба тариқасида 750 кВтли шамол ускунаси ўрнатиш ишлари якунига етказилапти. Шу ўринда Тошкент шаҳрида трансформаторлар, Навоий ЭИЗда эса электрон ҳисоблагичларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, жами маҳсулотлар экспорти 145 фоизга бажарилганини айтиш мумкин.

Миллий матбуот марказида ўтказилган анжуманда,

шунингдек, ДАК мутахассислари томонидан қайта тикланувчи энергия манбаларини ҳаётга татиқ этиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани, жумладан, 2013 йилда куёш батареялари ва коллекторлари ҳамда биогаз қурилмаларини ишлаб чиқарилган қўшма корхоналарни очиш режалаштирилаётгани, бундай лойиҳаларга қўл урган тадбиркорларга тегишли тартибда имтиёзлар яратиш чоралари кўрилатганига алоҳида эътибор қаратилди.

## БУХОРО «УНИВЕРСИДАДА-2013»ГА ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДА

Кўҳна ва боқий Бухорода 2013 йилда ўтказиладиган катта спорт анжумани — талаба-ёшлар универсиадасига қизгин тайёргарлик кетмоқда. Шу муносабат билан вилоят марказидаги «Бухоро» спорт мажмуасида кенг кўламли реконструкция ишлари олиб борилапти.

Мусобақалар ўтказиладиган Бухоро давлат университети, Юқори технологиялар ва муҳандислик-техника институти, шунингдек, нефть ва газ саноати коллежи спорт залларини бўлажак универсиада доирасидаги мусобақаларга тайёрлаш ишлари ҳам қизгин. Бир қатор умумий оқатланиш корхоналари ва бошқа иншоотлар ҳам нуфузли спорт тадбирига тайёрланапти. «Бухоро» халқаро аэропорти, темир йўл вокзалидан шаҳар марказига олиб борадиган йўللарни қайта таъмирлаш, вилоят марказининг Нақшбанд, Ғиждувоний, Навоий, Ибн Сино, Мустақиллик ва Муҳаммад Иқбол кўчаларида олиб бориладиган ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам Бухоро хуснига хусн қўшмоқда.

## «КАТТАҚ ЎРҒОН ЁҒ-МОЙ» ОАЖ ЖАМОАСИ

*меҳнаткаш халқимизни ва юртимиз меҳмонларини қирғиб келаётган*

*яни ~ 2013 йил*

*билан самимий табърикланди.*

**Янги йил ҳаммамизга қувонч, бахт-саодат ва шодлик олиб келсин!**

**Халқимиз дастурхони доимо тўкин, ризқ-насибаси бутун бўлсин!**



# ҚУТЛОВ



## ХАЛҚ БАНКИ

### ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

ўз акциядорлари, миждозлари,  
барча ҳамюртларимизни кириб келаётган

## ЯНГИ — 2013 ЙИЛ

билан сизқидилган табриклайди.

Янги йилда сизга сизга сизга саломатлик,  
тинчлик-осойишталик  
ва улкан муваффақиятлар тилаймиз!

STANDARD  
& POOR'S  
RATINGS SERVICES

Халқаро рейтинг агентлиги  
2012 йил декабр ойида

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат-тижорат Халқ банкининг

Халқаро кредит рейтингини

**B+/B**  
**Барқарор**

даражасида қайта тасдиқлади

## Доим Сиз билан бирга!

### «SAM ROS XOLOD»

Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси жамоаси

*Ўзбекистон халқини  
«Обод турмуш йили»  
деб эълон*

*қилинган янги  
— 2013 йил*

*билан самимий муборакбод этади.*

*Юртимиз пини, осмонимиз  
хамини мусаффо бўлсин!*

### Qishloq Qurilish Bank

ҳамюртларимизни, банк акциядорлари ва миждозларини кириб келаётган  
2013 — «Обод турмуш йили» билан самимий муборакбод этади!  
Она-Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги  
йўлидаги эзгу ишларингизда ҳамини омад ёр бўлсин!  
Байрам муносибати билан қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этамиз:

«Совға» — муддати 2 ой  
«Тухфа» — муддати 3 ой  
«Янги йил» — муддати 1-3 ой  
«Ободлик» — муддати 6 ой  
«Элита» — муддати 1-3 ой.

Шунингдек, банкда «Омад» ютуқли омонати жорий қилинган бўлиб,  
ушбу омонат турига маблағлар 2013 йил 1 мартга қадар қабул қилинади.  
Ютуқлар тиражи «Наврўз» байрами арафасида ўтказилади.  
Тиражда қуйидаги пул ютуқлари ўйналади:

Ютуқ миқдори (сўмда)	Ютуқлар сони (дона)	Жами ютуқлар суммаси (сўмда)
2000 000	1	2 000 000
1000 000	2	2 000 000
500 000	8	4 000 000
200 000	10	2 000 000
100 000	15	1 500 000
50 000	10	500 000
<b>Жами</b>	<b>46</b>	<b>12 000 000</b>

Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилатган  
уй-жойларни оловчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

«Мадад» — муддати 1 йил  
«Қурилишга бошланғич бадал» — 1 йилдан кам бўлмаган муддатга.

Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил  
28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидagi  
омонатларини химоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча  
чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4057 Фармони асосида тўлиқ кафолатланади.

Маълумот учун телефонлар:  
(+99871) 150-76-53, 150-39-93. www.qishloqqurilishbank.uz

**ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК — ФАРОВОН ҲАЁТИНГИЗ ХИЗМАТИДА!**

Хизматлар лицензияланган.

# БАНК ТИЗИМИ

РЕКЛАМА ЎРНИДА

## Молиявий ҳамкорлик кенгаймоқда

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ ҲИСОБЛАНГАН БАНК-МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА



Акбар МУЗАФФАРОВ,  
«XXI ASR»

Буни кейинги йилларда соҳада эришилган ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, «Агробанк»нинг Сирдарё вилоят бошқармаси ўзининг 12 та филиали, 15 та мини банки орқали аҳолига намунали хизмат кўрсатаётганини таъкидлаш ўринлидир.

Аҳил жамоа бозор талабларидан келиб чиқиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, жойларда тўлов тизимини қатъий йўлга қўйиш, аҳолининг бандлик даражасини оширишга жиддий эътибор қаратмоқда. 2012 йил 1 ноябрь ҳолатига яқка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликларини ҳамда кичик бизнес субъектларига 17,6 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилди. Шу ҳисобдан вилоятда 1472 та янги иш ўрни яратилди.

Албатта, кредит сармояларини йўналтириш масаланинг бир томони бўлса, ундан мақсадли фойдаланиш иккинчи муҳим томонидир. Мамаклатимизда барча молиявий манбаалар аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш учун сафарбар этилаётганлиги сир эмас. «Агробанк» вилоят бошқармаси ҳам бу хайрли ишлардан четда қолаётгани йўқ. Чунинчи, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида биргина сервис ва маънавий хизмат соҳасини ривожлантириш учун 1,1 млрд. сўм миқдорда кредит сармояларини йўналтирилди.

Жойларда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари, хусусан, тадбиркор хотин-қизларнинг

бизнес лойиҳалари моддий жиҳатдан ўз вақтида қўллаб-қувватланмоқда. Бу йил «Агробанк»нинг вилоят бошқармаси томонидан ишбилармон аёлларга ажратилган кредитлар миқдори 1,5 млрд. сўмни ташкил этди. Натижада шаҳар ва туманларда бандлик даражаси ошиб, ишлаб чиқариш ҳажми кенгаймоқда.

Бугун мамлакатимизда деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларнинг имкониятларидан тўлақон фойдаланишга тобора катта аҳамият қаратилаётган. Сирдарё вилоятини ҳам сердаромад соҳа ҳисобланмиш чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, боғдорчилик билан шуғулланаётган деҳқон ва фермерлар сони ошиб бормоқда. Натижада фермерлар бугун қишлоқда асосий ишлаб чиқарувчи кучга айланыпти. Чунки улар молиявий жиҳатдан ўз вақтида қўллаб-қувватланмоқда.

Истиқлол шарофати билан юртимиз бозорлари тобора кўраклашиб, кутбаромадга тўлиб бормоқда. Бугун бозор пештахталаридан ўзимизда ишлаб чиқарилган турли хилдаги озиқ ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини топиш мумкин. Бу борада, шубҳасиз, ўзаро молиявий ҳамкорлик жуда қўл келаётган. Жорий йилнинг ўзида «Агробанк» вилоят бошқармаси томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кенгайтириш учун 3,5 млрд. сўм, ноозиқ-овқат товарлари ҳажминини ошириш учун 6,6 млрд. сўм миқдорда сармоя йўналтирилди.

«Сайхун савдо Файз» хусусий корхонасида банкнинг Сайхунсобоғ филиали томонидан 180 млн. сўм миқдорда кредит ажратилган эди. Натижада корхона йилга 546 млн. сўм миқдорда салқин ичимликлар ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлди. Улар ички



бозорда харидордир. Энг муҳими, кредит эвазига корхона фаолияти кенгайиб, қўшимча 16 та янги иш ўрни яратилди.

Ҳозирда касб-ҳунар коллежларини битириб, тадбиркорликни ихтиёр этган ёшлар сафи кенгайиб бормоқда. Ана шундай фидойи, ташаббускор йигит-қизларни тадбиркорликка жалб этиш, шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш бугунги кундаги муҳим масалалардан биридир. «Агробанк» вилоят бошқармаси ҳам ушбу жараёнда фаол иштирок этмоқда. Фикримиз исботи сифатида катта ҳаёт

остонасида турган ёш келин-куёвларга 2,1 млрд. сўм, шунингдек, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун қарийб 1 млрд. сўм миқдорда микрокредитлар ажратилганини айтиб ўтиш лозим.

Дарҳақиқат, «Агробанк»нинг вилоят бошқармаси миқдорларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш, пул-кредит муносабатларини такомиллаштириш йўлида барча имкониятлардан фойдаланмоқда. Бу эса давр талабига тўла мос бўлиб, аҳоли билан ўзаро молиявий ҳамкорликни кенгайтиришда жуда қўл келаётган.

### ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ УЮШМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА ҲУЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг усувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисидаги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474 сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларидаги иштирокини рағбатлантириш орқали улар учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари уюшмаси ҳузурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш Фонди ташкил этилди.

**Фонд томонидан лойиҳа ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш талов асосида амалга ошириладиган республика таъжирот банклари томонидан молиялаштирилишига кўмаклашилади.**

Танлов қўйидаги йўналишларда ўтказилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган сановат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилан.

Танловга инвестицион жозибдорликка ва сановат соҳасида таъбиқ этиш истиқболга эга, шунингдек, маҳаллий ҳомашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа гоаялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ҳужжатларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:  
Ариза (намуна бўйича);  
Инвестиция таклифи (намуна бўйича);  
Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).  
Батафсил маълумот учун:  
Тел: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08;  
Web-site: www.fpd.uz;  
E-mail: pdf.fund@gmail.com.

Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Асадулла Ҳўжаев кўчаси, 1-уй.  
Ўзбекистон банклари уюшмаси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

1-илова

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танлов бўйича танлашда қатнашиш учун БУЮРТМАНОМА

1. \_\_\_\_\_  
(ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)  
2. \_\_\_\_\_  
(тақдим этилаётган гоаявий лойиҳанинг тўлиқ номи)  
3. \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4. Буюртманоманга қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:  
— Инвестиция таклифи;  
— Инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига жафолат бераман.

Ташкилот раҳбари

(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

2-илова

Инвестиция таклифининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

1. Лойиҳанинг номи;  
2. Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар: номи ва реқвизитлари; асосий фаолият тури; асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат)ларининг, экспорт ва бошқаларнинг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари.  
3. Негизий лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар: корхонанинг номи ва реқвизитлари; асосий фаолият тури, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар турлари; охириги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар); умумий ҳудуди ва буш ишлаб чиқариш майдонлари; мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар; кадрлар потенциалли.  
4. Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:  
4.1. Маркетинг: ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми; дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси; мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда); маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардорлигининг баҳоси.  
4.2. Ишлаб чиқариш: лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси; зарур бўладиган ходимлар сони.  
4.3. Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш: инвестицияларини йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.  
4.4. Молиялаштириш: лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати; объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати; лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.  
5. Лойиҳани амалга оширишдан купилаётган натижалар: купилаётган йиллик тушум ва соф фойда; экспорт ҳажми.

3-илова  
Инвестиция таклифининг ПАСПОРТИ  
(лоийҳанинг номи ва жойлашган жойи)

№ п/п	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа параметрлари	Изоҳ
1.	Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан:	минг долл.		
1.1.	миллий валютада	млн. сўм		
1.2.	хорижий валютада	минг долл.		
2.	Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси:	минг долл.		
2.1.	шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун	минг долл.		
2.2.	Қурилиш-монтаж ишлари учун	минг долл.		
3.	Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси	млн. сўм		
3.1.	шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун	млн. сўм		
3.2.	қурилиш-монтаж ишларига	млн. сўм		
4.	Ишла банд бўладиганларнинг тахминий сони	киши		
4.1.	шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринларида	киши		
5.	Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси	йил		
6.	Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида	ўлчов бирлигига мувофиқ		
6.1.	шу жумладан, экспорт учун ўлчов бирлигига мувофиқ			

## Андижонда қурувчиликнинг ўзига хос мактаби яратилди

БУГУН АНДИЖОНДА АМАЛГА ОШИРИЛЁТГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ВИЛОЯТНИ ТОМ МАЪНОДАГИ ҚУРИЛИШ МАЙДОНИГА АЙЛАНТИРДИ

Ўз мухбиримиз

Хусусан, яқунланаётган йилда «Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси буюртмаси билан жами 373 та иншоотда 92 млрд. 263 млн. сўмликдан зиёд маблағ ўзлаштирилди.

— Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга инвестиция дастури тўғрисида»ги қарорига асосан бюджет маблағлари ҳисобидан 3 та қақирув маскани, 105 та ичимлик сув тармоғи, 2 та умумтаълим мактаби, 4 та дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш, 3 та молия, пенсия жамғармаси, 2 та йўл патруль хизмати биноси, 37 та ички йўллар қурилиши, 73 та қўшимча ичимлик сув объектлари бунёд этиш режалаштирилган эди, — дейди компания мутахассиси Жасур Жўраев. — Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бюджетдан ташқари жамғармаси ҳисобидан эса 30 та, яъни 8 та соғлиқни сақлаш муассасаси, 11 та мактаб реконструкция қилинди. 5 та мактаб ва 6 та коллеж мукамал таъмирланди.

Бундан ташқари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан 16 та иншоотда 5 та спортзал

қурилди. 2 та спорт иншооти эса реконструкция қилинди. 1 та сузиш ҳавзаси, 2 та мусиқа мактаби қурилди. 3 та бассейн эса мукамал таъмирланди.

Маҳаллий бюджет ва ҳомий ташкилотлар маблағи ҳисобидан жами 91 та объект, йўл жамғармаси йўналишидаги 7 та иншоотда қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказилапти.

Умуман олганда, жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига 80 млрд. 664 млн. 181 миң сўм капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Шундан 78 млрд. 347 млн. сўмликка яқин қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Жумладан, бош пудратчи ташкилот — «Анд Тех Наз» МЧЖ томонидан Улутнор туманида, бош пудратчи «Анд Кубо» хусусий фирмаси томонидан Марҳамат туманида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан II типдаги мусиқа ва санъат мактаблари қурилиши якунланиб, мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида ишга туширилди. Ушбу иншоотлар бугунги кун талабларига тўлиқ мос келувчи лойиҳалар асосида қурилган бўлиб, уларда ўқувчи ёшларнинг билим олишлари, санъат сирларини ўрганишлари учун қулай шароитлар яратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозим-

ки, вилоятда мукамал даражада йўлга қўйилган қурилиш мажмуаси корхоналари, шу жумладан, соҳада фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз олдларига қўйилган вазифаларни синдиқилдан адо этаптилар. Бу улар амалга ошираётган бунёдкорлик ишларида ҳам акс этмоқда.

— Юрбошимиз ташаббуси билан «Обод турмуш йили» деб ном берилган 2013 йилда ҳам вилоятимизда 49 та ижтимоий соҳа, жумладан, 18 та умумтаълим мактаби, 8 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, 9 та соғлиқни сақлаш муассасаси ҳамда 14 та болалар спортини муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш режалаштирилган, — дейди Ш.Жўраев. — Ҳозирда мазкур иншоотларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилди ва тендер ўтказиш учун эълонлар берилди.

Шубҳа йўқки, «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси жамоаси ва вилоятнинг барча қурилиш ташкилотлари янги йилда ҳам ўз анъаналарига содиқ қолиб, белгиланган вазифаларни бекаму кўст адо этадилар.



# ҚУТЛОВ

## Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси

барча юртдошларимизни

# Янги йил байрами билан табриклайди!

Янги йил сизга бахт-иқбол, хонадонингизга файз-барака, юртимизга хотиржамлик ва фаровонлик олиб келишини тилаб қоламиз!



TADBIRKORLAR VA ISHBIARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Мухаммадрасул ТЕШАБОВЕ, Абдурашид ЖУРАБОВЕ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Бақодир ҒАНИЕВ, Зайдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илхом НАСРИЕВ, Муҳиба АҚРАМОВА, Равайн ОХУНОВ, Шухрат НОГИТОВ, Шухрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.  
ТАХРИРИЯТ: Озод РАҲАБОВ, Марк ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шахзода НАЗАРОВ, Сайфулла ИҚРОМОВ, Асқор ИСТАМОВ, Темур АБДУРАХМОНОВ, Тоир МИРХОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шухрат ОХУНЖОНОВ.  
БОШ МУХАРРИР: Миродил АБДУРАХМОНОВ МАТН ТЕРУВЧИ: Раъно АБДУЛИМОВА.  
БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатпар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Қўлиқ бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ешлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Кабулхона 215-63-80 (тел./факс).  
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI\_ASR@yahoo.com, XXI\_ASR@mail.ru  
© «XXI ASR» дан олинган маълумотларда маъба сифатида газета номи кўрсатилгани шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.  
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.  
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.  
Буқорни рақами: J 6068. Тираж: 12 518.  
Бэхоси келишимдан нарҳда.  
Тошхрияти — 2000.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406



Навбатчилар: Қ.САЙДАТОВ, Ж.ЖУРАЕВ.